

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-ИЛ ЧИКИШИ.

№ 160 (4366).

14

АВГУСТ

ШАНБА

1971 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

Янгийўл районидagi Собир Раҳимов номи колхозининг миришкор деҳқонлари гайрат кўрсатиб ишлаб, аҳли натижаларга эришмоқдалар. Ҳар бир тул ғўзада 8—9 тадан кўсак яратибга эришган азаматлар августининг охиригача кўсакни 14—15 тага етказиш учун самарали меҳнат қилишмоқда. Эргаш Умиров бошлиқ звено аъзолари ҳам тадбиркорлик билан ишлаб, тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки йилида 40 гектар майдондан 33 центнердан ҳосил кўтариш учун гайрат кўрсатишмоқда. Суратларда: звено бошлиғи Эргаш Умиров ва ғўзага ишлов бериш пайти.

А. АБАЛИЯН фотолари.

ИЛҒОР БРИГАДАДА

Пискент районидagi Охунбобоев номи колхозда Нодир Тошев бошлиқ қилаётган бригада деҳқонлари йилдан-йилга тулпроқ унмўдоргини ошириб, пахтадан юқори ҳосил кўтариб келмоқдалар. Бу йил улар 123 гектар майдондан пахтанинг ҳар гектаридан 27 унрга 30 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилишган.

Эркин Назаров, Турсун Хайдаров бошлиқ звено деҳқонлари ҳар тул ғўзани серҳосил, машинабон қилиб ўстириш тадбирларини кўришмоқда. Бригаданинг Т. Хайдарова, М. Шарипова, Т. Расулова каби пешнадамлар ҳам бу ишда ўрнатқ бўлишяпти.

Е. ШАРОПОВ.



МУСТАҲКАМ ОЗУҚА БАЗАСИ ЯРАТАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IV пленуми шу куннинг гойт муҳим масалаларини: алмашлаб экишни жорий этиш асосида чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа базасини вужудга келтириш ҳамда КПСС XXIV съездининг қарорларини асосида қишлоқ деҳқонлари томонидан яхшиланган соҳадан республика партия ташкилотлари олдида турган вазифаларни тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилиш ва бу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, область, район партия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари ва партия комитетлари КПССнинг XXIV съезди ва партиянинг Марказий Комитетининг Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, қишлоқ хўжалигини, унинг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган чорвачиликни ривожлантиришда катта ишлар қилдилар. Ғўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштириш янада кўпайди, чорвачилик ишлари комплекс механизация асосида олиб боришмоқда. Партия ташкилотлари пахтачилик билан бир қаторда чорвачиликни ривожлантиришга оид бўлган масалаларни бир неча марта муҳокама қилдилар. Чорвачиликнинг тул масалаларидан ҳисобланган озуқа базасини мустаҳкамлашга ҳамма ерда алоҳида аҳамият беришмоқда.

Областимиз партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари чорвачилик масалалари билан доимий равишда шугулланиб, бу соҳадagi илгортаришларни оммаалаштиришга, барча колхоз ва совхозларда ғўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштириш тўбора кўпайтириб бориш, фермаларни тажрибали, ташкилотчи ва моҳир кадрлар билан мустаҳкамлаш, чорвачилик ишларини комплекс механизациялаш, чорвачиликни ривожлантиришнинг энг асосий ва ҳал қилувчи базаси ҳисобланган ем-хашакни янада кўпайтириш проблемаларига диққат ва эътиборни қўйиб бериш. Бунинг натижасида беш йилликнинг дастлабки йилдаёқ ғўшт, сут ва бошқа маҳсулотларини етиштириш ўтган йилларга нисбатан кўпайиб, ярим йиллик илан ортгани билан бажарилиди. Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллик», Охунбобоев номи, Илғор номи колхозлари, Янгийўл районидagi «Чиноз» совхоз-техникуми, чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг

«Красный водопад» тажриба-экспериментал базаси ва бошқа кўпгина хўжаликларда сингирлардан сут соғиб олиш, молларнинг семирлик вагини йил сайин ошиб бормоқда. Барча ишлар комплекс механизация асосида ташкил этилмоқда. Машҳур сут соғувчи Анастасия Чудоянин тажрибаси эндиликда барча чорвадорларининг илгорт усулларига айланиб кетди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми колхоз ва совхозларда чорвачиликни юксалтириш иши ҳали ҳам замонавий талаблар даражасида эмаслигини, партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозлар мустаҳкам озуқа базасини вужудга келтириш масалалари билан етарли шугулланмаётганлигини алоҳида қайд қилиб кўрсатди. Алмашлаб экишни ўзлаштириш суръатларини, озукабон экинларни бир-бирига қўшиб, бири кетидан иккинчисини ва ўларнинг қатор ораларига экишни асосан равишда пайсалга соломқдалар. Кўпчилиги колхоз ва совхозлар, дейилади. Паскум қорондо, — чорвачилик билан шугулланган тоғ этакларида, тоғларда ва лалмикор зоналарда ем-хашак етиштириш ҳали ҳам деҳқончиликнинг асосий тармоғи бўлиб қолган эмас. Кўпгина хўжаликларда экинлар яхши парвариш қилинмайди. Бунинг оқибатида озукабон экинларнинг ҳосилдорлиги жуда паст. Ембон дон, айниқса, макжажхўри дон етиштирилиш кўпайтиришга етарли эътибор берилмайди. Ем-хашакни йиғиштириб олиш ва тайёрлашнинг сенаж бостирини, янгилик ўт талқони ишлаб чиқариш, пичанини қирқиб қаллаб олиш, уни актив вентилация ёрдамида қуритиш сингари технологияси сўт қўлланилмоқда. Беда ва силосбон экинлар ўз вақтида ўриб олилмаётганлиги озуканинг нобуд бўлишига олиб келмоқда. Унинг сифатини ёмоллаштиришмоқда. Озуқа таркибидagi оксиднинг етарли миқдорда бўлмаслиги ем-хашакнинг анча қисми исроф бўлишига ва чорва маҳсулотининг қимматлиги кетинига олиб боради. Кўпйилик ўтлар ва бошқа озукабон экинлар уруғчилигини ташкил этишда катта камчиликлар бор.

Ем-хашак етиштиришнинг техника билан қайта қуrolлантириш, озукабон экинларни парвариш қилиш ва унинг ҳосиллигини яхшиштириб оляшдаги сер-

меҳнат ишларини механизациялаш, лйловлар маҳсулдорлигини ошириш, чорвачиликда фан ва илгорт тажрибаларини жорий қилиш, наслчилик хўжаликларини ишларини яхшилаш, фермаларни комплекс механизациялаш, лйловларга сув чиқариш, ем-хашак учун энг яхши ерларни ажратиб бериш, омухта ем сапоатиини ривожлантириш сингари муҳим масалалар чорвачилик хўжаликларини, маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг кўндalik иш фаолиятларидан доимий ўрин олган эмас.

Пленумда алоҳида қайд қилингандек, шундай хўжаликлар борки, ўларнинг кўрсаткичлари мутлақо қониқарли эмас. Бу хўжаликларини илгортлар даражасига кўтариш — чорвачилик маҳсулотларини етиштиришнинг кўпайтиришнинг муҳим резервидир. Областимизнинг колхоз ва совхозлари мол туғирини кўпайтириш, унинг зотини яхшилаш, айниқса, кўй-экилар сонини кўпайтириш билан етарли шугулланмаётдилар. Натижада область бўйича ҳар юз беш совлиқ ва эчкидан атиги 85 тадан кўзи ва эчки боласи олинди. Бир неча хўжаликлар ғўшт, сут ва жуи тайёрлаш ишларини йиллик насллик пландарини бажарганларича йўқ. Сенаж бостирини ҳамма ерда ҳам жиддий эътибор берилишга деб бўлмайди. Кўк хашак чорва моллари учун энг қимматли, арзон ва ўйимли озуқа ҳисобланади. Батзи жойларда бунинг мохиятига тушуниб етганларича йўқ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми мустаҳкам озуқа базасини вужудга келтириш — чорвачиликни ривожлантиришда асосий базга ҳамда биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган вазифа деб ҳисобланади. Олдий колхозчи ва совхоз ишчисидан тортиб, қишлоқ хўжалик, совет ва партия органларининг раҳбар ходимларигача аяа шу масалани ҳал этиш билан шугулланган чорвачилик ва озуқа ишлар тадбирларини яна бир бор кўриб чиқиш ва ўларнинг бажарилиш устидан каттиқ назорат ўрнатилмоқда. Партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, қишлоқ хўжаликни ходимлари ўзларининг кўч ва маҳоратларини чорвачиликни тубдан юксалтиришга ва унинг озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратмоқлари лозим.

соф фойда олинган бўлса, кейинги йилларда 500 минг сўмгача етди. Бу йил меҳнаткашларга 24 минг центнер баллиқ етказиб беришга аҳд қилинган. 1 миллион 100 минг сўмлик маҳсулотни реализация қилиш мажбурияти олдинган.

Хўжалик балиқчилари партиянинг XXIV съезди қарорларини амалга оширабориб, янги беш йилда 24 дастурхонга 114,4 минг центнер баллиқ маҳсулотини етиштиришга аҳд қилганлар.

Ғ. ТОЖИБОВЕВ.

ТЕРИМНИ ШАЙЛАНИБ КУТИБ ОЛАМИЗ

Шу кунларда колхозимиз марказий устакхонасида иш қилган. Слесарлар, механизаторлар техникани йиғим-теримга тайёрлашмоқдалар. Асосий кўч ва эътибор ҳар бир агрегатнинг сифатли ремонтдан чиқаришга қаратилган. Бизда акориниб, тиниб-тинчмас сергайрат механизаторлар жуда кўп. Уларнинг ҳар бири «Мавсумда намида 100 тоннадан нактани териб берамиз» деган шпор естида ишламоқдалар.

Машхур механизатор Турсун Охунбаев ҳам бу йил ўзининг «ХВ-14» терим машинасида пахта терди. Тўрт қаторли бу терим машинаси ремонтдан чиқариб қўйилди. Унинг пештоқига «Турсун Охунбаев

мавсумда 260 тонна пахта терди» деган сўзлар ёзилган. Теримга шай бўлиб турган бу машина ёнида Серикбой Бекжоннинг «зангори нема» си турибди. Яқин кунлар ичида колхозимиздаги 24 машинанинг ҳаммаси ремонтдан тўла чиқариб қўйилади. Биз бу агрегатларини тажрибали механизаторлар қўлга топишарми.

Хўжаликда барча ҳосил қопқорисиз ташлабди. Шу май, савда мавсуд 40 та принцип ремонтдан чиқариб қўйилди. 10 та намунали, асфальтланган хирмон бор. Буларини ҳам яқин кунда тўла ремонт қилиб бўла-

миз. Механизатор ва деҳқонларнинг ҳамияхатлигида меҳнат қилиш-

лари сабабли бу йил ҳам мўл ҳосил етиштирилмоқда. Биз ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, пландани 2400 унрга 3000 тонна, яъни ортқуча 600 тонна «оқ олтин» топишришга аҳд қилдик. Ҳосилни тез ва пешма-пеш йиғиштириб олиб, давлатга топширишни ташкил қилсак, зиммага олган мажбуриятимиз сўзсиз бажарилади. Уруғчилик ақратилган майдонлардан ташқари барча қаргаларда «зангори нема»лар жавлон уради. Ҳар бир агрегатнинг кунига 5—10 тоннадан пахта теришга эришарми. Бунинг учун механизаторга барча қўлайликларни яратиб берамиз. «Зангори нема» капитанлар автомашиналарда уйларига олиб

борилади ва келтирилади. Уч маҳал иссиқ овқат тайёрланади. Бажарилган ишга қараб ўз вақтида ҳақ тўланади. Илгортларини рағбатлантириш ишларини кенг амалга оширамиз.

Ҳозир колхозчиларимиз қатор ораларини машинабон қилиб ишлаб беришяпти. Ёввойи ўтларни таг-томири билан юлиб ташламоқдалар. Тракторларнинг қайтиб буриладиган майдончалари барвақт тартибга солинади.

А. ЮСУПОВ,
Янгийўл районидagi Киров номи колхозининг раиси.
П. АБДУРАИМОВ,
колхоз механизани.

ҲОСИЛ КЎРИНИБ ҚОЛДИ

1080 гектар майдонда деҳқончилик қилиб она-Ватанга 3100 тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олган «Коммунизм» колхозининг пахтакорлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб ўтган йилдан сингари бу йил ҳам астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Колхозининг Н. А. Югай, Аллоий Жиянбоев ўртоқлар бошлиқ қилаётган бригада-ларида ҳар тул ғўзада 7-8 тадан тўқ кўсак бор. Бу йилки бригаданинг Ҳасеибой Жуманов, Турғунбой Раваханов, Фозил Хўжақелдиев, Омон Аҳмедов ўртоқлар бошлиқ звено аъзолари ганимат фурсатдан самарали фойдаланиб, ғўзага сифатли ишлов бераётдилар. Биринчи бригада сувчиси, область Советининг депутаты Ҳалима Турғунбоева, «2-бригадада Умир Юсупов, 3-бригадада Жумали Фармаханов ўртоқлар айниқса жонбозлик кўрсатаётдилар. Колхозининг барча бригадаларида ғўза қатор ораларидаги бегона ўтлар юлиб ташланганлиги, карта чекналари қириб тозаланганлиги, бу иш кўпроқ пахтаси машинада терилдиган қаргаларда ўтқазилмоқда.

Биз сувдан кейини ғўза қатор ораларини чуқур культирация қилаймиз, — дейди бригада бошлиғи ўртоқ А. Жиянбоев, — бу билан биринчидан намин сақласак, иккинчидан терим машиналарининг равои юриши учун қўлайлик яратган бўлаимиз.

Вироқ, шунини ҳам айтиш керакки, колхозининг 96 гектар ернинг ҳар гектаридан 31 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олган коммунист

ўртоқ Жамия Нишонов ва бошқарилган 10 гектар ердаги ғўза ниҳонда қанчалиб қўйилган. Шунга қарамасдан Тошкент каналдан насос орқали чиқарилиб оқизилдиган сувни механизатор Музаффар Абдуллаев ўзбошимчилик қилиб кўшни бригада ғўзасига дубриб юборган. Бунинг сабаби текширилганда, бригада бошлиғи Нишонов, М. Абдуллаевнинг томорқасига оқатган бир кўпоқ сувни беш-олти кун илгари ғўзага қўйдирган экан.

Биз колхоз устакхонасига кириб, техника пахта йиғим-теримига қандай соланаётганлигини масаласида ўртоқ Жўрабой Аҳмедов билан гаплашдик: Маълум бўлишча, колхоз механизаторлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари ва тайёрлов пунктларини пахта йиғим-терими ҳамда уни тайёрлашга ҳозирлаш тўғрисида»ги қарорини кенг муҳокама қилиб, барча техникани 10 августгача тўла ремонтдан чиқариб қўйишга сўз берганлар.

Механизаторлардан Насибулло Тоиров, Ражаб Турсунматов ўртоқлар ремонтни айниқса тез ва сўз ўтказмоқдалар. Ўртоқ Р. Турсунматов бу йил машинада 150 тонна пахта териш мажбуриятини олибди.

Т. ИҶДОШЕВ,
Ўрта Чирчиқ райони.

ОҚҚЎРҒОН ДАЛАЛАРИДА

Бу йил ҳосилдорлигини гектарига 5—6 центнерга оширишга аҳд қилган «Коммунизм» колхозининг Пулдош Эшпўлатов бошлиқ бригада деҳқонлари ғўза парваришини янада олиб боришяпти. Бу ишларда бригаданинг У. Жуманова, Ч. Бойбекова, Л. Тухтаев, Т. Раимова сингари пешнакадам аъзолари барчага ўрнатқ бўлмоқда.

О. РАҲМОНОВ.

Мутал Тўлаганов бошлиқ бригада «Коммунизм» совхозидан илгортлардан ҳисобланади. Бригада 30 центнердан пахта, 150 центнердан қаноп ҳамда 26 тонна қаноп уруғи етиштириш ниятида. Деҳқонлар саратонинг шу долзарб далаларида астойдил тер тўқишяпти. Пайкаллардаги экинлари эса серҳосил бўлиб етилмоқда.

М. УБАЙДУЛЛАЕВА,
Н. АБДУСАМАТОВ.

Пахтазорларда астойдил тер тўқиб мўл «оқ олтин» учун курашяётган ҳамда Олжон номи колхозининг Жўмақул Пириқулов бошлиқ бригада аъзолари барчага ўрнатқ бўлишмоқда. Улар кун сайин парваришини қўлайтириб, ҳосилга-ҳосил қўшмоқдалар. Деҳқонлар бу йил ҳар гектар ердан 36 центнердан пахта етиштиришга астойдил аҳд қилишмоқда.

Х. АҲМЕДОВ.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА
СИЛОС БОСТИРИШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА
1971 ЙИЛ 13 АВГУСТГАЧА
БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)
Биринчи ступ — районлар,
иккинчи ступ — бир қувлик
Уеши, учинчи ступ — мавсум
бошидан бери.

Оққўрғон	3.0	83.3
Юкори Чирчиқ	1.4	78.3
Бўка	2.3	76.7
Пискент	1.3	59.2
Бенобод	2.8	55.7
Ўрта Чирчиқ	1.4	48.3
Янгийўл	—	46.4
Оржоникиде	1.6	31.4
Калинин	1.1	24.1
Бўстонлиқ	1.1	11.4
Область бўйича	1.5	53.5

БАЛИҚЧИЛАР ЗАФАРИ

Оққўрғон районидagi Оққўрғон» балиқчиллик тажриба-намуна хўжалиғини аҳолини қўлаб қўлай маҳсулотлар билан таъминлаб келмоқда. Балиқчилар 1966 йилда давлатга 8150 центнер балиқ сотган бўлсалар, ўтган йили бу кўрсаткич 18340 центнерга етди. Ҳозир жамъи 1191 квадрат метр сатҳга яна бўлган қўлларда балиқ етиштирилляпти.

Беш йилликнинг дастлабки йилида ҳам яхши ютуқлар қўлга киритилди. Ярим йил давомида 674 минг сўм ўрнига 720 минг сўмлик балиқ реализация қилилиб, жамъи 234 минг сўмлик балиқ етиштирилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига қараганда 192 минг сўм кўп демекдир. Хўжалик балиқчиликлдан катта даромад олмақда. Ўтган йилларда 31 минг сўмдан

Фотима Собирова смена нормаларини доимо 120—130 процентдан адо этаётган бригадалардан. У Келесдаги жунини дастлабки қайта ишлаш фабрикасида меҳнат қилади. Фотима беш йиллик планини тўрт йилда бажариш мажбуриятини олган. Юқоридagi суратда Ф. Собирова, пастдаги суратда Шарофат ояа Иброҳимова акс эттирилган. У Калинин районидagi «Партия XX съезди» колхозининг далачилик бригадасида меҳнат қилаётган илгорт аёллардан бири.

Б. САФАРОВ фотолари.

ТЕХНИКА НАЗОРАТЧИСИ

Маълумотимизда меҳнат шартининг яхшилаш борасида жуда кўп тадбирлар амалга оширилмоқда. Хукуматимиз бунинг учун ҳар йили неча миллион сўмлаб маблағ сарфламакда.

Жумладан, махсус илмий таъкилотлар ва лабораторияларда ҳавонинг чангдан тозаловчи замонавий алпаратлар ишлатилмоқда.

Бу ишда касба союзуларнинг техника инспекторлари ҳам актив иштирок этиб келишмоқда. Улардан бири Юсуф ана Омоновдир.

Моҳир назоратчи областимиз саноати корхоналари ҳамда совхозларида тез-тез бўлиб, ҳар бир цех, участкадаги асбоб-ускуналарнинг аришмай қўядан кечириб чиқади. Агарда буюр бир нарса техника ҳавфсизлигига эриб бўлмас экан, уларни бартараф этишга киришади.

Яқинда у Тошкент консерва заводида бўлибди. Пешхат ҳаво алмашиш ёмон аҳволда экинчи аниқлади. Юсуф ана томонидан кўрилган тадбирлар натижасида қўшимча ҳаво алмаштиргич механизмлар ўрнатилди. Қўндоққа кирган кишининг ҳаётини оқшатилади.

Бундан ташқари, Юсуф ана оталигида 23 та совхоз бор. Унда ишчиларининг бежирим қилиб жиҳозлашда яқиндан ёрдам беради. Совхозлар аҳли озиқ-овқат саноати ходимлари касба союзи областимизнинг инспектори Юсуф акадан ҳамisha миннатдор.

Е. МОРОДУХАЕВ.

ДЕВЯТОВАЧИ

Ахди қатъий: ташаббусга қўшилган қарор қилди. Шундай ошқоқлар ҳаракатдан четда қолганини ўзига эи билмади. Меҳнатга бўлган муҳаббат, касби билан фахрлини, ишчи деган юксак номини пок сақлашга бўлган интилиш тугуғлари уни шунга ундади.

Лекин, шахсий мажбурият маррасини белгилаш масаласида бироз иккиланди. Меҳнат уюмдорлигини ошириш беш йиллик планнинг муддатидан қанча олдин адо этишга аҳд қилинган илгари барча ишчилар ва резервларини бирмабир ҳисоблаб чиқди. Мастер, участка касба союзи таъкилотчиси билан масаладашди. Тажрибали ишчиларнинг фикри ва мулоҳазаларига қўлоқ солди. Ётти ўлчаб бир кес, деган ҳалқ нақлида иш тутди. Шундан сўнггида қатъий бир қарарга келди ва пех маъмурият, касба союзи комитети номига шундай мазмунда ариза ёзди:

«Мен, Абдукаббиров Акбаров, партия XXIV съезди қарорларини бажара бориб, меҳнат уюмдорлигини ошириш бўйича бошланган социалистик мусоба-

қага қўшиламан, фрезерчи А. Деятованинг ватанпарварлик ташаббусининг қўллаб-қувватлашган ҳамда меҳнат уюмдорлигини ошириш бўйича беш йиллик топириқларини тўрт йилда бажариш мажбуриятини оламан...»

Цех маъмурияти ва касба союзи комитети автоматларини соловчи Абдукаббиров Акбаровнинг шахсий мажбуриятини маъқуллади. Бу ишнинг бошлангани эди. Ваъда бериш осон, лекин уни амалга ошириш қийинлигини соловчи ахши биларди. Шунинг учун ҳам у ўз сўзининг устидан чиқишга астойдил ҳаракат қилди. Ишчи пухта ташкил этишга алоҳида эътибор бермоқда. Резервлардан фойдаланишга интилади. Тинмай ишламоқда.

Абдукаббиров Акбаров илгари бешта станокни бошқарар эди. Меҳнат уюмдорлигини ошириш бўйича беш йиллик планни тўрт йилда бажаришга аҳд қилган, агрегатлар сонини олтига етказди. Ишчи анча мураккаблашганга қарамай, бемаъл унинг урдасидан чиқапти.

Барча станокларнинг бир меъра ишлашини таъминлайпти. Дондор соловчи иш вақтининг жуда қадрлайди. Унинг билор дақиқаси ҳам бекор ўтмаслиги ҳақида қўйғиради.

Вақтинг кетди, надинг кетди, деб бежиз айтмаган доно халқимиз,— дейди А. Акбаров.— Вақтдан тўла фойдаланишнинг натижаси самарали ва баракали бўлади.

Ҳар бир минут ҳисобда бўлсин. Чунки, шу минутлардан соатлар пайдо бўлади. Бир соат ишда эса қанчадан-қанча маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин.

Шунинг учун ҳам у қатор операцияларини анча барақат бажаришга эришмоқда. Масалан, станокни янги деталь ишлаб чиқаришга қайта солаш учун ўттиз беш минут вақт ажратилган. А. Акбаров бу операцияни ўзига билан 20-25 минутда бажаради.

Ўз касбининг пухта эгаллаган дондор ишчи бошқармаган агрегатлари «тиш»ни ахши биларди. Бузилиб қолгудек бўлса, слесарининг келишини кутиб ўтирмай, ўзи тўзатаверарди. Бу ерда ҳам вақтдан ютади.


Айниқса, кескичининг яхши чарчлашини эътибор беради. Чунки, у аниқ ва ўткир чарчланган бўлса, деталларга ишлов бериш ҳам шунчалик осон боради, деталлар сифати ҳам кўнглидагидек бўлади.

Кўп йиллик меҳнат ҳам унинг иш кўрсаткичлари баракали бўлишига ёрдам бермоқда. У Тошкент самолётсозлик заводининг 3-цехида 20 йилга яқин вақтдан буён ишлаб келаяпти. Шунинг учун ҳам коллежнинг энг пешқадам аъзоларидан бири. Нормани бир ирим барабарга етказиб ва ундан ҳам ошириб бажаради. Меҳнат уюмдорлигини ошириш бўйича беш йиллик планнинг тўрт йилда бажариш ҳақидаги мажбуриятини ҳам шараф билан адо этипти.

Шу йилнинг ўтган етти ойи ичида тажрибали соловчининг меҳнат уюмдорлиги белгиланганга нисбатан 25 процент атрофида юқори бўлди. Бу унинг ўз ваъдасининг тўла ўқдасидан чиқишдан далолат беради.

М. МАХМУДОВ.

Жаҳон Янгиликлари



Вьетнам Демократик Республикаси. Ханойдаги механика заводининг ишчилари ярим йиллик планни муддатидан икки кун илгари ошириб, адо этишди. Улар мамлакат қишлоқ хўжалигига ва саноатга қўллаб-қўрғоқчи сифатли машиналар етказиб беришди. Суратда: заводнинг янги маҳсулотни жуъатишга тайёрланмоқда. ВИА—ТАСС фотоси.

ЧЕГАРАДА КЕСКИНЛИК

РАВАЛПИНДИ, 11 август. (ТАСС). Ҳиндистон-Покистон чегарасида аҳвол ҳали ҳам кескин бўлиб турибди. АП агентлигининг хабар беришига қараганда, Покистон ҳарбий аълои қилган ҳарбий маълумотга қўра. Рангпур яқинида (шарқий Покистоннинг шимолий қисмида) Ҳиндистоннинг мунтазам қуролли қучлари билан (2 августдан 5 августгача) давом этган туқнашулар давомида Покистон қўшинлари Ҳиндистоннинг 72 нафар ҳарбий хизматчиларини ўлдирганлар.

ДЕХЛИ 11 август. (ТАСС). ПТИ агентлиги хабар беради: шунинг бошида Ҳиндистон қўшинлари Рангпур районини шарқий—Покистон чегарасини кесиб ўтди ва Ҳиндистоннинг ҳарбий хизматчиларидан 72 на-

фари ўлдирди, деб Покистон қўшинлари тарфатдан хабарини Ҳиндистон Мудоффаа министрлигининг вакили «мутлақо ўйдирма» гап, деди.

Шу билан бир вақтда, дейилади ПТИ агентлигининг хабарига, Покистон қўшинлари 6 августда Давка (Меҳхалайя штати) секторидан Ҳиндистоннинг чегара постларини қаттиқ тўтга тўтди ва минглар егирдилар. Ҳиндистон чегара бўлиналари жавоб ўти оғди. Янги натижасида, дейилади агентлигининг хабарига, душман солдатларидан анчаси нобуд қилинди.

Покистон қўшинлари, дейилади агентлигининг хабарига, 8 августда Муктапур районини (Меҳхалайя штати), 10 августда аса Каримнага районини (Ассам штати) тўтга тўтди.

ШАРТНОМА ТИНЧЛИК ИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

ДЕХЛИ, 12 август. (ТАСС). Хукирон партия-Ҳиндистон миллий конгрессининг раиси Д. Санживайя қўйндагиларини деди: Ҳеч мулолағасиз айтиш мумкин, 9 август. Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон Иттифоқи тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган кун тарихий кундир.

«Бу шартнома,— деб таъ-

кидлади Д. Санживайя ТАСС мухбири билан суҳбатда, мамлакатларимиз ўртасида кўп йиллардан буён ривожланиб бораётган самимий дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлади». Бундан ташқари, «бу шартнома», деди Ҳиндистон миллий конгрессининг раиси, ер қурасининг ана шу қисмида тинчликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади.

ЕВРОПА ХАЛҚЛАРИ МАНФААТИНИ ҚУЗЛАБ

БЕРЛИН, 12 август. (ТАСС). «Нойес дойчланд» газетаси қўйндагиларини ёзди: бундан бир йил муқаддам СССР билан Германия Федератив Республикаси ўртасида тузилган ва Москвада имзоланган шартнома Европанинг барча халқларига наф келтирмоқда. Бу шартнома ҳозирги куннинг ўзида халқларнинг Европа хавфсизлиги учун олиб бораётган қурашда яқиний роль ўйнамоқда.

Газета Германия Демократик Республикасининг таъши сифати тинчлик манфаатларига хизмат қилётганлигини ва бу республика Совет Иттифоқи

билан Ғарбий Германия ўртасида, шунингдек, Польша билан Германия Федератив Республикаси ўртасида шартнома тузилганлигини тўғридан-тўғри таъкидлайди.

Айни вақтда, деб ўқитиб ўтди газета СССР билан Германия Федератив Республикаси ўртасида тузилган шартнома ратификация қилинганидан кейинги таъминла самарали бўлади. Бу шартноманинг кучга кириши Европа марказида сиёсий вазиятни соғломлаштиришга ёрдам берган бўлур эди.

СУРИЯ-ИОРДАНИЯ ЧЕГАРАСИДА ОТИШМА

ДАМАШҚ, 13 август. (ТАСС). Сурия Араб Республикаси қуролли қучлари вакили айтдики, танклар ва бронетранспортерлари ҳам бўлган Иордания ҳарбий қўсмлари кеча кечқурун чегара бўлидаги Дераа ва Рампта қишлоқлар яқинида Суриянинг контрол

постини тўнлардан ва пулемётлардан ўққа тутди. Сурия томони жавоб ўти очди. Ҳарбий вакилнинг айтишига қараганда, отишма натижасида Иорданиянинг «центрурон» типидagi турта танки яқсон қилинган. Сурия томони талафот бергани йўқ.

ЖАМОАТЧИЛИК ТАЛАБИ

ЛОНДОН, 13 август. (ТАСС). Англиянинг тараққиёт парвар жамоатчилиги таъти вакилига чикариб юборилган парламентни Олстердаги ақволин муҳокама қилмоқ учун дарров қаъришини талаб этмоқда. Шу талаб қўйилган аризомага парламент аъзоларидан 50 киши яъзо чекди.

Бир қанча касба союзулар ва жамоат ташкилотлари шимолий Ирландиядан иттиқ қўшинларининг ҳаммасини олиб чиқиш таллаб қилмоқда. «Нью стейтсмен» халқли газетасининг редактори, лейбористлар ҳукуматининг собиқ министри Ричард Кроссман шу газетда босилган ма-

қоласида «Олстердаги Британия қўшинлари ҳақиқатда оккупациячи армия бўлиб турибди», деди.

Бош министр Хит раислик қилган кабинет мажлисида Олстердаги вазият масаласи муҳокама этилди. Ички ишлар министри Молдинг Ирландия ташқи ишлар министри Хиллари билан Лондонда олиб бориладан музокараларнинг якуларини гапириб берди. Матбуотнинг баъзида қараганда Хиллари Шимолий Ирландия проблемаларини кўриб чиқиш ва катталикларни камситишни йўқотиш чораларини ишлаб чиқиш учун конференция ўтказишни таклиф қилган.

БОҒЧАЛАР ҚУРИЛИШИГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

Янги фаранд, оилаларга кучли келтиради. Дунёга келган кичкинтой, гамхўрлик билан қуршад оллинади. Унинг соғлом, бардам бўлиб ёшув-улайиши учун нимаки зарур бўлса, ҳаммаси муҳаббат қилинади. Ясли ва боғча ёшига етгач, улар ясли ва боғчаларга қатъий бошлайдилар.

Шу жиҳатдан, областимиз қишлоқларида ҳам боғчалар муассасалари қурилиши ва улар тармоқларини кенгайтиришга жиддий эътибор берила бошланди. Ясли ва боғча ёшига етгач, улар ясли ва боғчаларга қатъий бошлайдилар.

Бу йил ҳам боғчалар қурилишига катта аҳамият берилмоқда. Сизга айтсан, йил охиригача 20 га яқин боғчалар муассасалари қурилиши тугалланади. Улар ишга тушган, қолгилар ҳам совхоз ишчиларининг 1440 ўғил-қизини шу муассасалар қучоғига тортилади.

Ўтган ярим йил ичида планда қўрилган боғчалардан 12 таси қурилиб, фойдаланишга топирилди.

Областимизнинг Оққўрғон районига ҳам, Ўрта Чирчиқ районига ҳам, Янгйўлда ва Нискентда ҳам кичкинтойларга қучоқ соғватлар ҳозирланди. Биргина Оққўрғон районининг ўғил-қизини 8 та янги боно қуриб битказилди. Шундан 4 таси муддатидан олдин тахт қилинди. Райондаги Оққўрғонда, Карл Маркс номи қолқоларнинг ҳар бири 30, «Ўзбекистон ССР 5 йилдаги совхоз» томонидан қуриб берилган

ясли муассаса 90 ўғил-қизини ўз бағрига олди.

Ўрта Чирчиқ районига Ангелс номи қолқол қичкинтойларнинг чинакам гамхўри эканлигини яна бир бор исботлади. Бу хўжаликда шу йилнинг охиригача боғча қуриб битказилиши лозим эди. Аммо, масалага жиддий муносабатда бўлибди. Қурилиш, ишлари тез суръатлар билан олиб борилди. Икки йил ичида боғча анжонлар ажратилди. Натижада боғча, биносини муддатидан тўрт ой олдин қўйдан чиқарилади. Бундан ота-оналар беҳад хурсанд бўлидилар.

Боғчалар қурилишида оталик ташкилотларнинг бераётган ёрдамларини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Шу йилнинг ўтган ойлари ичида оталик ташкилотлари кучи билан бир неча боғча ишга тушди. Ўрта Саров парранда-чилик фабрикаси 40 ўғиллик боғча қуриб берган бўлса, Янгйўлдаги машина синаш илмий-тегириш институти ташаббус билан ҳадамадли боғча биносини қад қўрди. Унда ҳозир 140 кичкинтой тарбия топмоқда. 3-«Давларов» совхозини ҳам яхши ҳиммат кўрсатди. Бу ерда очилган 90 ўғиллик боғчада ҳаёт қайнай бошлади.

Аммо, областимизда олиб борилаётган қурилишларнинг ҳаммасини ҳам қўнғилдагидек деб бўлмайди.

Бўқа райони марказида боғчалар боғчаси қурилиши деган хабар ҳамманни хушнуд этган эди. Ахир, қувонмай бўладими, янги боғча бир йўла 140 ўғил-қизини ўз бағрига олади-да!

Лойиҳалар ҳам тахт қилинди. Бинокорлар энг ишмариб ишга киришди. Бинонинг пойдеворига энди бетон ётиқилди деганда, ишнинг «ленгич» чиқиб қолди. Жойининг аҳоли яхши ўрганилмаган экан. Кавланган жойдан сув чиқиб қолди. Иш тақатан тўхтади қолди. 4 минг сўмлик маблағ бекордан-бекорга нероф бўлди. Начора, дўппи тор келиб қолгач, ишчи қайтадан бошлашга тўғри келди. Яна қайтадан лойиҳалар яратила бошланди...

Вақт кўтиб турмайди. Области қишлоқ қурилиши трестини 4-йўлчи механизацияланган колоннаси ишга қилибди муносабатда бўлмаса, қурилиш тез суръатлар билан олиб бориладими, қолган ишга қўрғи қолди турган гап.

Юқори Чирчиқ райони марказида қурилаётган боғча биносини ҳам хамон битказилганча йўқ. Бинокорлар керилди: «бўғидадан қўнғилгиз тўқ бў-

лаверсин, шу йилнинг иккинчи кварталдагидек боғча қуриб битказилди, ушанда калитни биздан талаб қилиб олаверинг» дейишган эди.

Аммо энди: — Қурилиш қачон битади? Ени қурилиш материаллари етишмаётгандир,— деб сўрасангиз, қурилишчилар:

— Йўте, қурилиш материаллари етарли. Аммо-лекин ишчи кучи етишмайпти,— деб жавоб қилишди.

Аммо, ишнинг қўзғилиши билан керак. Бор ишчи — бинокорлар райондаги боғча қурилишларида юбориб қўйиб, «ишчи кучи йўте» деб баҳона қилишнинг не ҳолати бор?

Шундай! Қурилишда бинокорлар қимирлайдилар, лекин допон ошмайптилар. Ахир, 140 бола нават кўтиб турибди-ку! Бунча қурилишчилар ҳис қилишмаётганмикин?

Ахвол шу айбонга кетаверса, боғча ҳали-вери топирилмай-диганга ўхшайди.

Қўрилиб турибдики, боғчалар қурилишини қўнғилдагидек эмас, Бу масалага давлат аҳамиятига эга бўлган вазифа деб қараш лозим.

Боғча иши умумхалқ ишига айланиб қолди. Шундай экан, ҳар бир қолқол ва совхоз, ҳар бир йиллик ташкилот ўз боғчалар муассасаларига эга бўлишлари лозим. Шундай қилинганда боғчаларимиз учун қудай шароит яратиб берган бўладими.

А. АЛИЕВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ПАЙВАНДЧИ МАНЗУРА

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

Қуларнинг «бирида Манзура алақандай юмш билан қўшни пайвандлаш ҳеҳига кириб қолди. Бу ерда 3-4 киши машиналарнинг баъзан бир синиқ қисмларини пайвандлашарди. У, пайвандчиларнинг эгичлик билан бажараётган ишларига маҳлиб бўлиб қараб қолди.

Шу пайт қўзғил қўз ойбак таққан, чамаси 50-55 ёшларга бориб қолган киши Манзура ёнига қилишди.

— Қа қизим, қизик эканми? — деди у қизга тикилиб.

— Қа, жудаям қизикарли иш экан,— жавоб қайтарди Манзура пайвандчилардан қўзғил ушай.

— Ундай бўлса бизнинг ҳеҳига ўтанди. Бу аваларинг эгичлигини фронтга жуънашди. Улар ўрнида ишлайсан, деди цех бошлиғи.

Шундай, Манзура пайванд-

чилик касбининг ўргана бошлади. Ишчилар унга ҳар томонлама ёрдам бердилар, билганини етиш билан тушунтирдилар. Ниҳоят, уруш тугади. Манзура она қишлоғи — Қўшқўрғонга қайтди. У, шу ерда турмушга қичиб, ўзи севган касби бўйича қолқол устакхонасида ишлаб бошлади.

Шундан буён орадан анча йиллар ўтди. Манзура она Ганиева 30 йилдан бери пайвандчи касбининг шароит билан оқлаб келмоқда. У Ўзбекистоннинг раёнадаги мурасиб ҳисса қўшмоқда. Партия ва ҳукуматнинг Манзура онанинг кўп йиллик самарали меҳнатларини «Хурмат белгиси» орден ва «Шавкатли меҳнат учун» медаллари билан тақдирлади.

Ф. НУРМАТОВ.

МАҚСАД САРИ

Ҳар йил яхши натижаларга эришяётган С. Раҳимов момил қолқозининг 6-бригадаси пахтакорлари эрта баҳордан тер тўки меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг мақсади — бу йил 150 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириб, она-Ватанга 450 тонна «оқ олтин» ҳадя этиш.

Етиштираётган ҳосил-мизининг деярлик ҳаммасини машиналар ёрдамида териб оламиз. Бунинг учун бизга 3 та пахта терин машинаси беришган. Айни қуларда Н. Эргашев, Р. Ҳайдаров, Р. Каримов каби меҳнаткорларимиз ўз «зангори кема»ларини мавсулга тайинлашмоқда,— дейди бригада бошлиғи Холбиби Тургунова.

И. ҚАЛАНДАРОВ.

Янгиўл району.



И. Шонногомов фотолари.

БУГУН БУТУНИТТИФОҚ

ФИЗКУЛЬТУРАЧИЛАР

КУНИ

ЁШЛИК, ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

ОММАВИЙЛИК — ШИОРИМИЗ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ
Н. ЖАЛОЛОВ БИЛАН СУҲБАТ

Ватанимиз пойтахти Москванинг энг яхши спорт иншоотларидаги кескин ва шиддатли мусобақалар ҳисобланадиган ёшларнинг турли спортчиларимиз яна бир улкан амалиётини нишонлашмоқда. Барча совет халқи, спорт жамоатчилиги сингари ёшлик, кўчили, жисмонан бақувват, руҳан бардамлик гарови бўлган Бутуниттифоқ физкультурачи кунини областимиз спортчилари ҳам янги ютуқлар билан кўтиб олишмоқда.

14-август кунини барча физкультурта ташкилотларининг қилган ишларига ҳисоб берилган ўзгача бир кундир.

Пойтахт областининг физкультурта ва спортчилари ўз байрамларини қандай совғалар билан нишонлашмоқда?

Ҳозир областда 1031 физкультурта коллективи бўлиб, унинг сафларига 200 мингдан зиёд киши бirlашган. Ўтган йил мобайнида спортчиларимиз маҳорати сезиларли даражада ошди. Ёшлик ўтган област Х ҳамда республика XV спартакиадалари ёш, талантли спортчиларни аниқлаб берди. Кўчилининг кучлиси Ўзбекистон ССР тарма командаси составида СССР халқлари V спартакиадасида иштирок этди. Областида кўчили спортчилар ҳам республика кўчили ёшлари спартакиадасида муваффақиятли қатнашиб, фахрли биринчи ўринни эгаллашди. Ўқувчи спортчиларимизнинг ютуқлари ҳам қўшонар-ляндир. Тошкент спорт командаси республика мактаб ўқувчилари спартакиадасида иккинчи ўринни эгаллашди.

Областда спорт базалари аҳоли бирмунча яхшиланди. Ўшаб спорт заллари, майдонлари ва бошқа турли спорт иншоотлари барпо этилди. Спорт базалари сонин кўпайиши билан ўтказилаётган мусобақалар ҳам ортди. 1970-1971 йилларда 80 дан зиёд оммавий спорт тадбири ўтказилди. Уларда 400 мингдан ортиқ киши қатнашди.

Меҳнатчиларни ва айниқса ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда муҳим босқичлардан бири бўлган физкультурта ҳаракатига раҳбарлик қилиш, янги кўчи физкультурта коллективларининг тажрибаларини оммалаштиришда яхши тадбирларни амалга ошириш.

Областимиз районларида шундай қўчи физкультурта коллективлари борки, уларнинг ишлари бошқаларга намуна қилиб кўрсатса арайдир. «Қизил Ўзбекистон», «Политотдел» хўжаликлари, Бекобод районидagi «Победа», Янгиёул районидagi «Ленинизм» коллежаларида спортга ҳақиқатан ҳам катта аҳамият берилмоқда. Бу коллективларда оммавийлик асосий шор қилиб олинган.

Чирчиқ, Олмалик, Ангрен, Бекобод, Янгиёул шаҳар спортчилари маҳорати ошаётган.

лиги ҳам кишини хурсанд этади. Бу шаҳарларнинг спортчилари республика тарма командаси сафига янги мусобақаларда муваффақиятли қатнашмоқдалар.


Спорт клублари ўртасида «Чимён»ни алоҳида таъкидлаш керак. Бу клубда чемпионлар, рекордчилар шугулланишди. Спортнинг оғир атлетика, волейбол, баскетбол, футбол, кураш секциялари мунтазам ишлаб турибди. Клубнинг ҳаваси ва замонавий спорт залида мамлакатнинг энг кучли спортчилари митингиде кўргазмалар мусобақалар ўтказилмоқда. Бу тадбирлар клуб спортчилари учун катта мактаб вазифини ўтайпти.

Пойтахт области спортчилари мана бир неча йилдирки, республикада мукофотли ўринларини эгаллаб келишяпти. Ўмузубек XV спартакиадада областимиз вакиллари пойтахт спортчиларидан кейинги иккинчи ўринни эгаллашди. 40 дан зиёд спортчилар республика тарма командалари сафига СССР халқлари V спартакиадасида қатнашиб, спорт делегациямиз жамғармасига муносиб улуш қўшди.

Област олий спорт маҳорати мактаби ўқувчилари байдарка ва каноэда энг кучли бўйича қатнашиб, финалга чиқди. Ўшқак шувчиларимиз республика командасига ўн тўрт очко олиб берди. Бекободнинг В. Мустафоев, олмаликлик А. Писоваров, В. Лигай, Иттифокда кучли ўлинка киришди. «Политотдел» колхоз спортчиси Михаил Ли эркин курашчилар мусобақасида қатнашиб сакинчи ўринни олди. Чирчиқлик В. Тарасов ядро узоқтиришда тўртинчи ўринни эгаллаб, командага олти очко олиб берди. А. Абайдуллин ҳам Ўзбекистон полковлари талабасига муносиб улуш қўшди.

Бутуниттифоқ физкультурачилар кунинида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш. Лекин ҳам жуда кўп иш қилишимиз керак. Областида завод ва фабрикаларида, колхоз ва совхозларида шундай физкультурта коллективлари борки, номинигина шайлади. Маҳаллий партия, совет, касабасоюз, комсомол ташкилотлари бу физкультурта коллективларини назорат қилмайдилар, старлар ердам беришмайдилар. Биринчи гаала ана шундай коллективлар фаолиятини кучайтиришимиз керак. Спорт ҳамма ерга, ҳар бир хўжалик, ҳар бир хонадонга кириб бориши.

Областимиз спорт жамоатчилиги партия ва ҳукуматимизнинг физкультурта ва спортнинг янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини амалга оширишда бoр билим ва тажрибаларини, куч ва ғайратларини ишга солишлар.



Бу суратлар Ўзбекистон шаҳарлари XV спартакиадасида олинган.

М. НУРИДДИНОВ фотолари.

МАҲОРАТ ВА ЖАСОРАТ

Сўнгги йилларда тўпланган бой тажриба шунга кўрсатмоқдаки, бир мавсумда эришилган натижа турли қоландарга турлича таъсир қилар экан. Аймидир фойдаланилмаган имкониятларини тахлил қилиб келгуси йили муваффақиятли қатнашиш учун замин ҳозирлайди, яна кимдир тўла қонли резервини вужудга келтириш учун ёшлар билан ишлашни яхши йўлга қўлади. Худди шу каби 1967 йилги муваффақиятсизлик тахлили келгуси йили дуруст ўйин кўрсатишимизга сабаб бўлди. Биз «А» класидаги энг кучли командалар билан тенгма-тенг беллашиб олий лигага чиқиш ҳуқуқи учун

курашиш шарафига муассар бўлдик.

Ўшанда орузимизнинг амалга ошишига бир қадам қолган эди. Биз финалдаги сўнгги ўйинда Донецкнинг «Спартак» командаси билан бўлган учрашувнинг икка партиясини ютдик. Учтинчи партияда ҳам ҳисоб бизнинг фойдамызга 13:8 эди. Бироқ, шу онда қизларимиз бўшаувчиликка йўл қўйдилар. Бир дақиқалик бўшаув жуда қимматга тушди. Биз ўйини 2:3 ҳисобда бой бердик.


Кейинги икки мавсум ҳам ниятлаш билан ўтди. Шунинг кизиқиши, биз ҳал қилувчи ўйинлардагина устунлигини қўлдан бериб қўярди. Бироқ, бу йил ундай бўлмади. Мавсум боши-

даноқ барча ўйинларни бир тенгс ўтказиш учун жиддий тайёрландик. Қизларимизнинг аҳди қанчалик қатъийлиги чемпионат ўйинлари бўлганидан кейинқоқ қўлга аққол ташланди. Биз Воронеж, Олмаота, Тошкент шаҳарларида ўтказилган уч давра ўйинларининг ҳаммасини мағлубиятсиз ўтказиб, Олбейск шаҳрига яхшигина эпас очколар билан бордик.

Командамиз бу йил икки натижасидан ўтди. Олий лигага йўлланма олиб, биринчи иштихонини аъло баҳога тўшқилан коллективимиз СССР халқлари V спартакиадасида иккинчи натижасидан ўтди. Финал туринида қатнашувчи олтилар мусобақасида иштирок этиш

учун анча тер тўкишга тўғри келди. Қизлар Беларуссия, Эстония, Қирғизистон, Туркменистон командаларини мағлубиятга учратиб, финалга чиқди. Биз финалда Россия Федерацияси, Москва, Ленинград, Украина, Озарбажон ССР вакиллари билан учрашиб финалда фақат Украина командасини мағлубиятга учратдик. Шундай бўлишига қараман, эгалланган олтинчи ўрин биз учун катта муваффақиятдир.

А. ИЗРАИЛОВ, «Автомобилист» волейболчиси, командасининг бош тренера. Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган тренер.



Бу сурат «Буревестник» жамоати Ўзбекистон Совети биринчилигида олинган. Голлибик учун тошкентлик В. Зверев билан фароналик Н. Сандов беллашмоқда. Ойболар бўйича В. Зверев голлиб келди.

ОЛТИН ҚУЛҚОП

Рингда иккинчи ўрта вазили боксчилар: Европа чемпиони спорт мастери В. Тарасенков ва спорт мастери Р. Рискнев.

Тарасенков дастлабки дақиқада ноқ ҳужумга ташланди. Руфат Рискнев дўлдай ёғилган зарбларга чап берар ва қайта зарба туширарди. Зарбаларининг мўлжалга тегмаётганидан «қаҳрланган» чемпион рақибини ўнгилтирмай ақиндан сиқиб бориб мақсадига эришмоқчи бўлди. Руфат бўш келмади, қайта зарбага ўтиб, бир неча бор мўлжални аниқ олди. Биринчи раунднинг чорак, минути ҳам ўтмай рингда ўз ҳукмини ўтказиб қўшди.

Неча йиллардан бери тенгсиз ҳисобланган Тарасенков низоҳат ўқдай тез ва кескин зарбадан кейин бор бўйи билан оқиб олди. Руфатнинг қўли баланд келди. Учунчи раунд тугагач, судья тошкентлик боксчининг қўлини баланд қўтарди.

Руфат биринчи рақибларини таслим қила бошлаган. Ярим финалда Панкратов билан рингда чиқди. Судьяларнинг протоколи бўйича икки раундда қўлиб турган бўлса-да, халқаро тоифадан судья В. Конюков афсус билан рақибининг қўлини қўтарди. Қўвоғи, тилининг қонаб кетди. Руфат Рискнев 1971 йил СССР биринчилигида бронза медали билан чеграланди.

Николай Руфат кўлдан кутган СССР халқлари V спартакиадасида келди. Бу майдонда биринчи бўлиб Грузия вакили спорт мастери Юмукян билан беллашди. Руфат рингда ишамолдек уча бошлаган. Рақибининг зарбасига ҳайрон қоларлик даражада чал берар, шу топда қайта ҳужумга ўтар, кутилмаганда яна рақибини муштларга қўшиб юборарди. Пухта ўйланган, ҳужум, аниқ зар-

балар Юмукяни эсанкиратиб қўя бошлади. Нокдаун! Яна нокдаун! Судья иккинчи раунд тугамасданқоқ унинг қўлини қўтарди.

Руфат иккинчи жангда қирғизистонлик спорт мастери Батуричнин I раунддаёқ нокдаун қилиб қўйди. Учунчи рақибни Москванинг кўзга кўринган спортчиси халқаро спорт мастери Лемешев эди.

Биринчи раунд. Рақибини қатталар турнирида биринчи кўрган москвалик спортчи «адас» бермоқчи бўлгандай «қичқасига» ишни ҳал қилиш мақсадида қўри темп олди. Руфат бўлса чуқур ўйинга ўтишни ҳаволи ҳам келтирмай, ринг — мардлар майдонидегадиган қикшатин зарбали усуллариини ишга солаверди.

ҳайратга солди. У энг қисқа олишув бўлиб, бор-йўғи бир минут-у икки секундига давом этди, холос. Шу вақт ичиде Р. Рискнев рақибни Абрамовичнинг диққатини тамоман тортиб олишга улардан. Олдин қоринга, кейин бошига урилган қаттиқ зарбадан Абрамович ерга йиқилди. Нокдаун! РСФСРнинг кетма-кет беш марта голлиб қайтиб иккинчи қила олмади.

Р. Рискнев СССР халқлари V спартакиадасида икки аққол устунлик ва икки нокдаун билан талабга эришди. Тўрт «жанг»да 36 минут курашиш керак бўлса, у бор-йўғи ҳаммасига 6 минутча вақт сарфлаб ўзига ҳос ажойиб рекорд қўйди.

Анъана бўйича спартакиада го-

СПОРТИМИЗ ЮЛДУЗЛАРИ

Ҳавотирланиб турган тренери Борис Андреевич Гранаткиннинг юзи ёришгандай бўлди. Руфат биринчи минутдаёқ устунлиқни қўлга олди. Лемешевнинг машҳур «сериялари» нишонга етмас, Руфат эса қўшсерияли оғир зарбалар билан халқаро мастериини эсанкиратарди. Лемешев ўнгдан, сўдан, қориндан шундай оғир зарба олдики, охири мажолли қолмади. Судья жонангини ўхшатиб яққол устунлиқ учун Руфатнинг қўлини баланд қўтарди.

Финал олишувига чиқиш олдиде устоа Руфатни қўчоқлаб юзидан ўпаркан дедир: — Ишонман, бўёғига энди бўш келмайсан.

«Советский Спорт» газетаси 31 июль сониде финал учрашувлар ҳақида шундай ёзди: «Финал «жанг»лар кўпинча гўзал ва тенг курашда ўтади... лекин, кунинг охирида бир учрашув ҳаммани

либларига ўтмишда машҳур боксчилар мукофот топиришди. Р. Рискневни жаҳон ҳаваскор боксчилар ассоциациясининг президенти Э. Расселнинг шахсан ўзи табриклар уин «прима-боксер» (турнирнинг энг кучли боксчиси) деб номлади. СССР олимпия командасига қабул қилинган Руфат Рискнев Ўзбекистонга олтин медали билан қайтди.

У эдилкинда 22 ёшга қадам қўйди. Ёш бўлишига қарамай жуда кўп мусобақаларнинг голлиб, Республикамыздагина эмас, халқаро Иттифокимиз, жаҳоннинг энг кучли ва умидвор боксчилари-дан. Унинг ҳақида чет элларда ҳам кўпинча савимий голлерни эшитиш мумкин.

Польша тарма командасининг тренери Штемм кўзи ўткир мутахассслардан. Шунинг учун уни бокс олемиде «стахон Штемм»

деб ҳурмат қилишди. У Р. Рискневни рингда кўриб «бу йигит-дан олимпиада чемпиони чиқишига ишонман» деди.

Руфат уч йил бокс билан шугулланган, 1966 йили ўсирилган ўртасида Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номини олишга муассар бўлган. Шундан бери бу номини баланд кўтариб, республикамиз спорт шарафини химола қилиб келмоқда. 1967 йил ёшлар ўртасида Бутуниттифоқ «Динамо» спорт жамиятининг голлиб бўлди ва СССР биринчилигида 2 ўринни олди. 1968 йил эса ёшлар ўртасида СССР чемпиони бўлди. Шу йилги спорт мастери нормасини бакарди. 1969 йил ҳам чемпионлик номини саклаб қолшга муваффақ бўлди. 1970 йил чемпионатда қоши брилганлиги туфайли врачлар рингга чиқишга рухсат беришмади.

Руфат шу давр ичиде Югославия, Болгария, Польша, Сурия ва бошқа мамлакатларда 16 марта халқаро турнирда иштирок этди. Шундан 13 тасида шоксупанинг энг юқори поғонасидан ўрин олди. Шу вақтгача 126 та марта рингга чиққан бўлса, шундан 118 мартаида голлиб келган.

Руфат Рискнев боксини халдан ташқари севди. Унинг сирларини ўрганиш, гўзал услубларни тақомиллаштириш, янгилик излаш — спортчининг жон-дили. Ана шу истак уни тренерлик ишига ундади. У «Динамо» жамиятида, ёшларга устозлик қилмоқда.

Сентябрь ойиде Мюнхенда олимпия олди ҳафталиги ўтказилди. Бу ҳафталикка Совет Иттифокидан фақат тўрт вазнда спортчи қатнашди. Тренерлар совети тўрт нафар энг кучли боксини рўйхатида ўзбек йигити Руфат Рискневнинг номини ҳам экир этди.

Б. ПУЛАТОВ.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

▲ ХЕЛЬСИНКИ. Бу ерда ситил атлетика бўйича ўтказилган Европа чемпионати тобора қизиқмоқда. Мусобақанинг иккинчи кунини совет спортчилари яна иккинчи олтин ва иккинчи кумуш медални қўлга киритишди. Бир неча спортчилар саралаш ўйинларида муваффақиятли қатнашиб, финалга чиқибди.

Найаа улоқтиришда Янис Лусне 90 метр 68 сантиметр натижа билан голлиб келди ва тўртинчи марта Европа чемпиони деган юксак унвонга муассар бўлди. Унинг ҳамшарҳари Янис Донишин кумуш медалга олди. 100 метрга югуришда Валерий Борзов 10,3 секунд вақт билан маррага биринчи бўлиб келди ва совет спортчилари жамғармасига олтин медал билан ҳисса қўшди. Ҳал марта Европа чемпиони, ўч кандидат Игорь Тер Ованесян ГДР вакили Макс Клаусга бир сантиметр ютқазиб қўйиб, иккинчи ўринда қолди.

▲ БУТУНИТТИФОҚ физкультурачилар кунинида Тошкент спорт базалари янада гавжам бўлди. «Пахтакор», «Спартак», «Динамо», «Меҳнат», «Старт», «Тўнмачи» стадионларида сув хазаларида, спорт залларида аркин ва классик кураш, баскетбол, сув полои, енгил атлетика, футбол ва бошқа спорт турлари бўйича биринчилар, кўргазмалар чиқилар ўтказилди.

▲ ФУТБОЛ. Мамлакат биринчилиги учун «А» класи иккинчи лигасида қатнашаётган командалар ўртасида навбатдаги учрашувлар бўлди: «Политотдел» — «Олой» — 2:0; «Олатов» — «Зарафшон» — 2:1; «Автомобилист» (Тр) — «Динамо» Кр — 2:1; «Автомобилист» (Қ. Ғ.) — «Нефтяник» — 4:0.

ҚИШЛОҚ СПОРТЧИЛАРИ

Қишлоқ спортини оммавийлаштиришда «Оқдўғрон» совхоз кўнгилли спорт жамиятининг фаолияти диққатга сазовор. Совхоз спортчилари сонин 250 дан ошиб кетди, бу ерда кўплаб разрядли спортчилар, жамоатчи инструкторлар, спорт судьялари етишиб «қичгани».

Қишлоқ спортчилари шу йилнинг бошида област биринчилиги учун бўлиб ўтган мусобақаларда муваффақиятли қатнашди. Оғир атлетика бўйича яхшигина ютуқлар қўлга киритилди. Мусобақада 8 оғир атлетикачи қатнашиб, област иккинчи ўринни эгаллашди. Ярим енгил вазнда уч кураш бўйича 337,5 килограмм тош

қўтарган В. Нестеренко командда галаба келтирди. В. Нестеренко республика биринчилиги учун курашган разряддан спортчи ҳисобланади. У совхоз спорт жамияти инструктори вазифасида ишлашяпти.

Эркин кураш бўйича моҳир спортчи Борис Лили районимизда эмас, балки областда ҳам яхши танилдилар. Биринчи разрядли бу йилги област биринчилиги учун ўтказилган мусобақада биринчи ўринни эгаллаб шухрат қозонди.

Совхоз ёшлари ўртасида спортини оммалаштиришда маалаки 8 тренер иш олиб борляпти. Оғир атлетика бўйича В. Нестеренко, қўла тўғи бўйича

ча Владимир Травин, волейбол бўйича Р. Люмановлар бор маҳоратларини ишга солиб, спортнинг ҳар бир хонадонга кириб бориши учун жон қўядирмоқдалар.

Оғир атлетика, қўла тўғи, эркин кураш, шахмат-шашка командаларини ҳам катта тажриба олтиришган. Улар мусобақаларда тортта қатнашиб, ўз маҳоратларини намоиш қилиб турдилар. Спортчилар район биринчилиги учун ўтказилган эркин курашда иккинчи ўрини, шахмат-шашка бўйича биринчи ўринни эгаллаб, волейбол, қўла тўғи бўйича ҳам пешқадамликни бой бермадилар.

Ғ. ТОҶИБОВЕ.




Ошқ парашютчи.



Энди қайси командага ўтсам экан-а?!



«Пахтакор»нинг беаза «тарвузлари».



—... Саккиз-тўққиз... аут. А. ҲОЛИҚОВ чизган расмлар.

